

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Назира ТЎРАКУЛОВА**

Тошкент давлат юридик университети магистратура босқичи талабаси

Илмий раҳбар – **Абдумумин Юлдашов**

Тошкент давлат юридик университети

Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси доценти в.б., ю.ф.ф.д

**Nazira TURAKULOVA**

She is a graduate student of Tashkent State Law University

Scientific adviser - **Abdumumin Yuldashov**

Tashkent State Law University Associate Professor of Intellectual Property Law, Ph.D

Интеллектуал мулк объектлари муҳофазасини таъминлаш билан бирга уларни самарали ҳимоя қилиш механизмларини йўлга қўйиш ва амалга ошириш ҳамда бу йўналишдаги амалиётни такомиллаштириш давр талабидир. Сўнги йилларда интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4965-сон қарорига кўра, интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш бўйича тезкор экспертиза амалиётини жорий этиш ҳамда уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича идоралараро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб ўтилган[1].

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси йўналиши амалий ва назарий жиҳатдан соҳадаги халқаро ҳужжатлар меъёрлари асосида тартибга солинган бўлиб, миллий қонунларимиздаги интеллектуал мулк объектларининг экспертизаси билан боғлиқ жиҳатлар Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг халқаро конвенция ва шартномалари ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича битими (ТРИПС) битими талабларига мослаштирилган. Мамлакатимиз халқаро ҳамкорлик йўналишида ҳам интеллектуал мулк билан боғлиқ сиёсатни асосий устувор масалалар сифатида олиб борди. Масалан, 1995 йилда Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш бўйича ишларни бошлаб юборди. Аҳамиятли жиҳати, 2000 йилларга келиб айнан ЖСТнинг ТРИПС битими нормалари нуктаи назаридан интеллектуал мулк соҳасига янги қонун (“Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги) ҳамда мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги таҳрирда қабул қилинди (“Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги). Бунга асосий сабаб 1998 йилда Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш бўйича Меморандум имзоланганлиги ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатларини халқаро ташкилот нормаларига мувофиқлаштириш жараёнининг қисман бўлсада амалга оширилганлиги бунга асосий манба бўлиб хизмат қилган[2]. Маълумки, ЖСТ жаҳон иқтисодий тизимидаги халқаро глобал ташкилот ҳисобланиб, жаҳон

савдосининг 90 фоизидан ортиғи айнан ЖСТ доирасида олиб борилмоқда. Шу сабабли ҳам мазкур халқаро ташкилотга аъзо бўлиш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Қайд этиш керакки, ҳозирда Ўзбекистон узоқ йиллик танаффусдан кейин ЖСТга кириш бўйича ишларни яна тиклади. ТРИПС битимининг асосий моҳияти интеллектуал мулк ҳимояси масаласига бағишланганлиги билан характерланади. Агарда биз БИМТ томонидан маъмурий бошқариладиган халқаро ҳужжатларни кўрадиган бўлсак, унда асосий жиҳат ҳуқуқий муҳофаза (рўйхатдан ўтказиш) билан жиҳатларга қаратилган.

Интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш ишларини такомиллаштириш билан бирга, уни ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш ҳам зарур аҳамиятга эга. Интеллектуал мулкни ҳимояланганлик даражаси – қонун устуворлиги ва иқтисодиёт нуқтаи назаридан муҳим саналади. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ихтирочилар, муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларига ушбу ҳуқуқдан фойдаланишда эгалик (мутлак) ҳуқуқни бериб, ушбу ҳуқуқ натижасида улар тегишли фойда олишлари лозим. Амалиётда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг бир қатор усуллари ҳамда ҳимоя воситалари мавжуд бўлиб, улар қаторига патент, гувоҳномалар киради. Айнан ушбу ҳужжатлар муаллиф ёки ҳуқуқ эгасига тегишли ҳуқуқни беради. Бугунги кунда интеллектуал мулк замонавий иқтисодиётда муҳим рол ўйнаётганлиги барчага аён. Шунингдек, яратилган интеллектуал мулк объекти нафақат унинг яратувчисига балки жамиятга ҳам наф келтириши лозим.

Юқоридагиларга кўра, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ ҳозирда инвестициялар, уни яратувчиси томонидан қилинган вақт, маблағ ва меҳнатни ҳимоя қилиш имкониятини туғдиради. Ўз навбатида, интеллектуал мулк ҳуқуқининг тўлиқ таъминланиши мамлакат иқтисодий ривожига, соғлом рақобат ва саноат ривожини ривожлантиришда катта ўрин тутди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда охириги йилларда интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бироқ, бу йўналишдаги вазифаларни фақатгина махсус ваколатли орган, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига юкланишлиги кўп жиҳатдан нотўғридир. Зеро, жаҳоннинг барча давлатларида бу йўналишдаги ваколатли орган фақат интеллектуал мулк муҳофазаси, яъни яратилган ихтиро ва ишланмаларни экспертиза ва рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланиб, ушбу объектлардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ёки бу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш унинг ваколати доирасига кирмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ–4380-сон қарори билан Интеллектуал мулк агентлигига интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор ваколатлар (ўрганишлар ўтказиш, тақдимномалар киритиш, огоҳлантириш, маъмурий жазо қўллаш) берилган. Бироқ фикримизча, бу каби ваколатлар берилиши ўз ўрнида бошқа ваколатли органларнинг (ички ишлар, прокуратура, солиқ) бу йўналишдаги ишларини келгусида умуман юритмаслигига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам айнан интеллектуал мулк бўйича мулк объектлари эгалари ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу масалани кўриб чиқиш лозим. Хусусан, бу йўналишдаги хорижий тажрибага назар солсак, ички ишлар, прокуратура (адлия) органларида соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича махсус бўлинмалар фаолият юритади.

Шу билан бирга, интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш (маъмурий ёки жиноий) энг охириги чора сифатида кўрилиши керак деб ўйлаймиз. Бунгача бўлган жараёнларда муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқлари доирасини ҳамда истиснолар ва чекловлар нормаларини аниқ белгилаш, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, интеллектуал мулк объектлари экспертизаси муддатлари ва ҳуқуқий муҳофза олиш жараёнларини соддалаштириш каби жиҳатларини ўрганиш лозим. Агарда биз БИМТ томонидан бошқариладиган соҳадаги асосий халқаро ҳужжатларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларда ижодий тафаккур маҳсулотларини ҳуқуқий муҳофазаси жараёнлари қамраб олинган бўлса, ЖСТнинг ТРИПС битимида эса айнан ушбу ҳуқуқ ва ваколатларни ҳимоя қилиш жиҳатларига кенг урғу берилганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли ҳам ушбу битимни имзолаш жараёнида давлатлардан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоясини кучайтириш талаб этилади. Хусусан, Ўзбекистон қонунчилиги билан ТРИПС битими нормалари солиштирилганда, асосий эътибор товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик, айбдор деб топилаётган шахс томонидан ўзининг айбсизлигини исботлаб бериш мажбурияти, божхона қонунчилигига *ex officio* тизимини жорий этиш, ҳуқуқ эгаси томонидан келгусида келиб чиқиши лозим бўлган салбий ҳолатлар учун эътироз билдириш тартиби каби жиҳатларга эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги таъкидланганидек, ТРИПС битимининг асосий мақсади – бу давлатларнинг интеллектуал мулкка доир қонунчилик нормалари, уларнинг халқаро савдо муносабатларида иштирок этишида тўсқинлик қилмаслигини кафолатлаш ҳамда ҳуқуқ эгаси (муаллиф) ва фойдаланувчи ўртасидаги манфаатлар барқарорлигини таъминлашдан иборат[3].

Албатта, халқаро шартномаларга қўшилиш орқали бу йўналишдаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва шу орқали маҳаллий ихтирочи ва муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойили ҳам муҳим жараён саналади. Бироқ биринчи навбатда мамлакатдаги ижтимоий муҳит, интеллектуал мулкка бўлган муносабат ва бошқа жиҳатлар ҳам юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилишда муҳим ўрин тутди. Хусусан, мамлакатимиз 2019 йилда БИМТнинг “интернет шартномалари”ни ратификация қилган бўлса-да, бироқ амалиётда муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси ва ҳимояси билан масалалар тўлақонли ўзини ечимини топмаган. Фикримизча, давлат бунда ҳуқуқ эгаси ва фойдаланувчилар ўртасидаги мувозанатни тўғри йўлга қўйиши лозим. Буюк Британиялик олим Ян Харгривзга кўра, “давлат сиёсати мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга келтиришда ҳуқуқ эгаларининг потенциал фойдаларини инобатга олиши ҳамда интеллектуал мулк объектларидан фойдаланувчилар, аниқроғи жамиятнинг манфаатларидан келиб чиқиши лозим. Ушбу жиҳат муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг келгусидаги ҳуқуқ ва манфаатларини кенгайтириш ёки қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади”. Ушбу фикрларни тасдиғи сифатида Буюк Британия ҳукумати томонидан муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси муддатлари бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси муддатларининг узайтирилиши ёки қисқартирилиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муҳит ва ушбу ўзгаришларнинг ижобий жиҳатидан ўрганиш лозим деган фикрга келган.

Бунда аввало устувор вазибаларни ўзида мужассамлаштирган концепция ёки тамойилларни белгилаб олиш ва уларга мувофиқ иш кўриш мақсадга мувофиқдир. Бу борадаги ижобий жиҳат шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги ПҚ–4965-сон қарори билан тасдиқланган Интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини

жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”дан БИМТ билан ҳамкорликда “Интеллектуал мулкни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси”ни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган. Бу албатта муҳим жараён бўлиб, айнан ушбу ҳужжат келгусида интеллектуал мулк ҳимояси билан боғлиқ сиёсатнинг ҳам устувор жиҳатларини ўзида қамраб олиши лозим.

Аслида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ–5544-сон Фармони билан “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегияси” тасдиқланган бўлсада, унда интеллектуал мулк сиёсатига етарли даражада эътибор қаратилмаганлигини кўриш мумкин. Хусусан, интеллектуал мулк объектларини баҳолаш жараёнига устуворлик берилган ҳолда, уларнинг муҳофаза чоралари, экспертиза жараёни ёки уларни тижоратлаштириш каби муҳим жиҳатлар қамраб олинмаган. Шу жиҳатдан келгусида мамлакатимизда ишлаб чиқилиши режалаштирилган Стратегияни соҳага алоқадор барча институционал тузилмаларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир[4].

Шу билан бирга, минтақавий ва халқаро даражадаги савдо-иқтисодий, фан-техника ва маданий йўналишдаги ҳамкорлик йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тегишли давлатлар билан интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини икки томонлама ҳимоя қилишга доир битимлар тузилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон билан икки томонлама, яъни миллий режим сиёсатини қўллаш назарда тутилган ҳамкорлик битими тузган давлатлар келтирилган.

Т/р	Давлат номи	Битим имзоланган сана	Битим йўналиши
1.	Россия Федерацияси	1995 й.	саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича
2.	Грузия	1996 й.	саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича
3.	Қирғизистон	1996 й.	интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича
4.	Қозоғистон	1997 й.	саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича
5.	Озарбайжон	1997 й.	саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича

Шуниси эътиборлики, Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи йўналишидаги ҳуқуқбузарликлар доираси ва ҳажми патент ҳуқуқи йўналишига қараганда жуда кенгдир. Ўрганишларга кўра, Интеллектуал мулк агентлигига муаллифлар ёки ҳуқуқ эгаларидан келиб тушадиган мурожаатларнинг аксарияти, уларнинг муаллифлик ҳақи гонорарларини тўланиши билан боғлиқ мурожаатлардир. Амалиётдан келиб чиқиб, бу турдаги мурожаатлар қуйидаги 2 турга ажратилган:

1. Буюртмачилар томонидан муаллиф(лар)га белгиланган муаллифлик ҳақи гонорарларини ўз вақтида берилмаётганлиги;
2. Муаллифларга тўланиши лозим бўлган муаллифлик ҳақларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ–3201-сон қарори билан тасдиқланган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаларидан паст фоизларда тўланиши[5].

Интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя механизмларини яратиш нуқтаи назаридан тақлифларни муаллифлик ҳуқуқи ҳамда саноат мулки объекти (патент ҳуқуқи) нуқтаи назаридан қуйидаги тақлифларни илгари суриш мумкин.

*Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар йўналишида:*

- муаллифлик ҳуқуқида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш;

- мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолияти механизмлари ва ташкилий-ҳуқуқий тузилишини ривожланган хорижий мамлакатлар таҷрибаси асосида ташкил этиш;

- муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги давлат бошқарувини такомиллаштириш;

- кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар фаолиятини лицензион тартибга солиш.

*Саноат мулки объектлари йўналишида:*

- саноат мулки объектларини экспертизадан ўтказиш жараёнларига тезкор экспертиза усулларини қўллаш;

- ҳуқуқ эгалари ва патент эгаларининг рағбатлантириш мақсадида солиқ ва кредит билан боғлиқ имтиёзлар жорий этиш;

- ихтиролар, товар белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номларини хорижда ҳам муҳофаза қилишда давлат томонидан кўмак бериш;

- банк кредитларини олишда интеллектуал мулк объектларидан гаров сифатида фойдаланиш.

Умуман олганда, интеллектуал мулк муҳофазаси ва ҳимояси тизимининг тўғри йўлга қўйилиши инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этилишига, ихтирочилик салоҳияти ва технологияларнинг кенг ёйилишига бу эса ўз навбатида янги иш ўринлари яратилиши, инсон капиталининг ривожланиши ва қўшимча моддий даромаднинг ортишига олиб келади.

#### **Адабиётлар**

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.01.2021 й., 07/21/4965/0074-сон
2. Working Party on the Accession of Uzbekistan. Available at: [https://www.wto.org/english/thewto\\_e/acc\\_e/a1\\_ouzbekistan\\_e.htm#status](https://www.wto.org/english/thewto_e/acc_e/a1_ouzbekistan_e.htm#status)
3. <http://uzbekistanlawblog.com/intellectual-property-policy-in-the-process-of-accession-to-the-world-trade-organization-trips-agreement-and-national-legislation-of-uzbekistan/>
4. А.Юлдашов. Интеллектуал мулк бўйича миллий стратегияларнинг аҳамияти ва бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бу борада туган ўрни. Юрист ахборотномаси, 2020. 2-сон, 53-59 б.
5. А.Юлдашов, М.Чориев. «Договорно-правовые отношения в области авторского права и ответственности за нарушение авторского права: национальный и зарубежный опыт». Выпуск 1 № 1/s (2020): Спецвыпуск междисциплинарного электронного научного журнала «Общество и инновации».